

РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ЙЎНАЛИШЛАРИ
DIRECTIONS OF FINANCING INVESTMENT ACTIVITIES IN THE
CONDITIONS OF DIGITALIZATION

Imomkulov Tulkin Burhonovich

Lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni:

Moliya va buxgalteriya hisobi kafedrasini,

iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Tel.: +998-94-671-08-86

E-mail: t.imomqulov@tsue.uz

imomqulovtulqin@gmail.com

 <https://orcid.org/0000-0003-1310-0249>

Аннотация: Мақолада инвестиция фаолиятини самарали амалга оширишда молиявий тартибга солувчи механизмларини жорий этиш акс этирилган. Мамлакатмизда асосий капиталга хорижий инвестицияларни жалб қилишни замонавий усуллар жорий этишни ривожлантириш зарурияти мақолада ўз аксини топган.

Таянч сўзлар: Иқтисодиёт, инвестиция, капитал, корхона, молиялаштириш, банк, кредит, солиқ, қимматли қоғозлар, валюта, молиявий механизм.

Аннотация: В статье отражено внедрение механизмов финансового регулирования в эффективное осуществление инвестиционной деятельности. В статье отражена необходимость разработки внедрения современных методов привлечения иностранных инвестиций в основной капитал в нашей стране.

Ключевые слова: Экономика, инвестиции, капитал, предприятие, финансирование, банковское дело, кредит, налоги, ценные бумаги, валюта, финансовый механизм.

The summary: The article reflects the introduction of financial regulatory mechanisms in the effective implementation of investment activities. The need to develop the introduction of modern methods of attracting foreign investment in fixed assets in our country is reflected in this article.

Key words: Economy, investment, capital, enterprise, financing, banking, credit, tax, securities, currency, financial mechanism.

Инвестиция фаолиятини молиялаштириш деганда, ажратилган маблағларни маълум бир инвестиция лойиҳасининг эҳтиёжлари учун фойдаланишнинг аниқ мақсадли моҳияти тушунилади. Фаолиятини молиялаштириш асосан молиявий активларга эмас, балки реал активларга

инвестицияларни жалб қилувчи инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун ишлатилади. Хусусан, янги турдаги маҳсулотлар ва янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга йўналтирилган инновацион фаолиятини молиялаштиришнинг энг муҳим усули бўлиб хизмат қилади¹.

Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари² мажмуини ижроси муҳим ҳисобланади.³ Иқтисодиёт тармоқларида инвестицион фаолиятини молиялаштириш бўйича мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш орқали амалга ошириш белгилаб қўйилди.

Бу борада, мамлакатимизда мавжуд ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи юқори технологияли ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва ташкил этишга қаратилган инвестиция сиёсатини янада фаоллаштириш⁴ олиб борилмоқда.⁵

Албатта, бу вазифаларни бажаришда мамлакатнинг танлаган йўли, яъни иқтисодий стратегияси муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, инвестицион фаолиятга хорижий капитал, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар мамлакатдаги иқтисодий ўсишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Зеро, улар орқали, капитал билан бирга мамлакатга илғор, инновацион технологиялар, малакали ишчи кучи ва замонавий бошқарув малакалари ҳам кириб келади. Хусусан, мамлакатимизда инвестиция жараёнларини⁶, маҳаллий инвесторларнинг инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш ва қўшилган қийматнинг ишлаб чиқариш «занжирлари»ни яратиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишдаги иштирокини рағбатлантириш учун ички манбаларни кенгайтириш йўли билан фаоллаштириш алоҳида эътибор қаратилмоқда⁷.

Бугунги кунда иқтисодиётни ривожлантириш борасида инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаларини қўйидагиларни ўз ичига олади.

¹ “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 1, yanvar-fevral, 2021 yil

² Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида- Халқ сўзи <http://xs.uz>. 26.12.2019 йил.


³ <https://www.lex.uz/docs/4664142>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2020. ПҚ-4563-сон Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида <https://lex.uz>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги “Ўзбекистон республикасининг 2020 -2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4563-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.08.2020 й., 06/20/6042/1190-сон

⁶ <https://lex.uz/docs/4978202>

⁷ <https://lex.uz/docs/4978202>



1-расмда Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари⁸

Иқтисодий жиҳатдан асослангилган инвестиция лойиҳаларининг уларни молиялаштириш манбалари аниқ белгиланган ҳолда самарали амалга оширилишини таъминлайдиган, шунингдек, уларни амалга ошириш бўйича маблағларнинг нооқилона сарфланишини истисно этадиган, мамлакатни ривожлантириш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг сифат жиҳатдан янги тартиби жорий этилди.

Хусусан, мазкур мамлакатлар амалиётида инфляция даражаси юқорилиги ҳамда инвестицион муҳит жозибadorлиги нисбатан пастлиги, молиялаштириш манбаларининг барқарор эмаслиги натижасида корхона ва ташкилотларнинг инвестицион фаолиятини молиялаштириш амалиётига таъсир этаётган салбий жиҳатларни бартараф этиш илмий тадқиқотнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Бундай шароитда Ўзбекистонда юритилаётган фаол инвестиция сиёсати мамлакат миллий иқтисодиётининг истиқболдаги рақобат-бардошлигини оширишнинг муҳим молиявий омили сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурида: 850,5 трлн. сўм инвестициялар, шу жумладан, 35,5 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилишини назарда тутувчи⁹ инвестиция жалб қилиш бўйича, жами 206 та янги ишлаб чиқариш қувватлари ва 31 мингдан зиёд иш ўринлари яратилишини назарда тутувчи 2020

⁸ Маълумотлар асосида илмий тадқиқотчи томонидан тузилган

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2020. ПҚ-4563-сон Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида <https://lex.uz>

йилда йирик ишлаб чиқариш объектлари ва қувватларини ишга тушириш манзилли дастури¹⁰ амалга оширилди.

Бугунги глобаллашув жараёнлари жадаллашаётган шароитда мамлакат иқтисодиётининг юқори суръатларда ўзгаришига таъсир кўрсатадиган соҳалардан яна бири – бу халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро молия бозори институтлари билан алоқаларни кенгайтиришни талаб этади. Бундан ташқари, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг фаоллик кўрсаткичи ҳудудлар кесимида 3 та категорияга ажратилиб, ўрганиб чиқилди (1- жадвалга қarang).

1-жадвал.

Асосий капиталга инвестицияларда ҳудудларнинг улуши¹¹

Жамига нисбатан фоизда


Фаоллик кўрсаткичи	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Юқори	Тошкент ш.	Тошкент ш.	Тошкент ш.	Тошкент ш.	Тошкент ш.
	ҚҚР	Қашқадарё	Бухоро	Тошкент	Тошкент
	Қашқадарё	Бухоро	Қашқадарё	Қашқадарё	Хоразм
	Тошкент	Тошкент	Тошкент	Тошкент	Сурхондарё
	Бухоро	ҚҚР	Самарқанд	Навоий	Жиззах
Ўртача	Самарқанд	Самарқанд	Наманган	Бухоро	Фарғона
	Фарғона	Навоий	Сурхондарё	Наманган	Самарқанд
	Наманган	Наманган	Навоий	Сурхондарё	ҚҚР
	Навоий	Фарғона	Фарғона	Самарқанд	Бухоро
	Андижон	Сурхондарё	ҚҚР	ҚҚР	Наманган
Паст	Сурхондарё	Андижон	Андижон	Фарғона	Андижон
	Хоразм	Хоразм	Хоразм	Андижон	Навоий
	Жиззах	Жиззах	Жиззах	Жиззах	Қашқадарё
	Сирдарё	Сирдарё	Сирдарё	Сирдарё	Сирдарё

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2020. ПҚ-4563-сон Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида <https://lex.uz>

¹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

2.1 жадвалга келтирилган Асосий капиталга инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳудудларнинг улуши ўз аксини топган. Мазкур жадвал маълумотлари уч асосий қисимга бўлиб таҳлил қиладиган бўлсак. 2015 йилда Тошкент ш. Ва ҚҚР бўладиган бўлса, 2019 йилга келиб Тошкент ш. ҳамда Тошкент вилояти юқори ўринларни эгаллаган. Бўндан ташқари, 2019 йилда ўрта поғонада Фарғона, Самарқанд, ҚҚР, Бухоро, Наманган вилоятлари улушига тўғри келади. Шу ўринда, 2019 йилда эса паст кўрсаткичлар Андижон, Навоий, Қашқадарё, Сирдарё вилоятлари ташкил этаган.

Қуйидаги 2-расмда ушбу маблағлар ҳисобидан тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнидаги таҳлилий маълумотлар келтирилган.



2-расам. Тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни ажратилган кредитлар (трлн. сўм)¹²

Инвестиция фаолияти кўрсаткичларининг сезиларли ўсиши ХМИ ва ХХМТ томонидан мамлакатимизга ажратиладиган маблағлар оқимининг кўпайиши билан ҳам боғлиқ бўлиб, уларнинг асосий қисми Япония ҳукуматининг молия ташкилотлари – ЈСА, ЈВІС (умумий ҳажмга нисбатан 20 фоиз ёки 470,8 млн. доллар), Осиё тараққиёт банки (16,6 фоиз ёки 380,0 млн. доллар), Жаҳон банки (11,2 фоиз ёки 256,8 млн. доллар), Ислом тараққиёт банки (3,6 фоиз ёки 81,2 млн. доллар) ва бошқаларга тўғри келади. Ушбу маблағлар нефть-газ саноати (884,3 млн. доллар), қишлоқ ва сув хўжалиги (461,9 млн. доллар), кимё саноати (272 млн. доллар), энергетика (205,7 млн. доллар), транспорт-логистика секторлари (171 млн. доллар), соғлиқни сақлаш (70,0 млн.

¹² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланди

доллар) ва таълим соҳасидаги (32,4 млн. доллар) лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди¹³.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, инвестиция капиталини шакллантириш тизими мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларига мос ҳолда такомиллашиб бориши керак. Бундан ташқари, инвестициялаш субъектлари ташкилий тузилмаларининг бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ўзгариши инвестициявий фаолиятни ривожлантириш ва иқтисодиётни диверсификациялашга кўмак беради.

Инвестиция салоҳиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида диссертация илмий ишининг янгилigi сифатида, Марказий банк томонидан қуйидагиларни амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Мамлакатимизда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар учун экспорт билан боғлиқ ва савдо операцияларини амалга ошириш мақсадида тижорат банклари томонидан экспорт олди молиялаштириш механизмларини жорий қилиш, ички молиявий ресурс манбаи сифатида Экспортни рағбатлантириш агентлиги молиявий ресурсларидан фойдаланиш.

Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш бўйича ҳукумат комиссиясининг 2020 йил 13 ноябрдаги 23-сонли баённомасига мувофиқ Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспорт олди молиялаштириш кредитлари учун молиявий ресурслар тақдим этишнинг вақтинчалик тартиби тасдиқланди.

Ушбу тартибга кўра, Экспортни рағбатлантириш агентлигидан тижорат банкларига 100 млн. АҚШ доллари ажратиш орқали банклар томонидан тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда комплекс ёндашув татбиқ этилиши ҳамда банк хизматлари такомиллаштирилишига замин яратиш кўзда тутилди. Шунингдек, экспорт олди амалиётларида зарур айланма маблағларни шакллантиришда қўшимча тарзда қисқа муддатли инвестициялашга оид бошқа турлари (факторинг, форфейтинг, инвойс дискаунтинг)ни қўллаш амалиётининг тижорат банкларида кенгайтириши мазкур соҳага яқин келажақда хорижий инвесторлар маблағларини ҳам жалб қилиниши сезиларли даражада ортишига имкон беради. Бунинг натижасида Экспортни рағбатлантириш агентлигидан тижорат банкларига 100 млн. АҚШ доллари маблағлари ҳисобидан ажратиш банклар томонидан ҳудудлар кесимида молиявий ресурслар бўйича. Маълумки, Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш бўйича ҳукумат комиссиясининг 2020 йил 13 ноябрдаги 23-сонли баённомасига мувофиқ Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспорт олди

¹³ Имомқулов Т.Б. Халқаро молия институтлари иштирокида инвестицион салоҳиятни молиявий қўллаб-қувватлаш истиқболлари (Самарқанд вилояти мисолида) // “Ўзбекистоннинг халқаро молия тизимига интеграциялашувини кучайтириш йўллари” мавзусида республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция материаллари тўплами. ТМИ, 2020 йил 14 ноябрь 69-бет

молиялаштириш кредитлари учун молиявий ресурслар билан таъминлаш белгиланган. 2021 йилда бориб, Экспортни рағбатлантириш агентлигидан тижорат банкларига 100 млн.АҚШ доллари ажратиш орқали банклар томонидан тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда комплекс ёндашув мақсад қилиб белгиланган. Ҳақиқатда ҳам, бу борада Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан экспортди молиялаштириш кредитлари илмий тадқиқот натижасида таҳлил қиладиган бўлсак, бугунги кунда 55,2 млн. АҚШ доллари экспортди молиялаштиришга эришилган. Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда 2017-2020 йилларда 19 та давлат билан амалга ошириладиган 55 та олий ва юқори даражадаги ташрифлар давомида имзоланган экспорт шартномалари сони 739 донга шунинг асосида 13,58 млрд.АҚШ.доллари миқдорида экспорт амалга оширилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мусахонзода, И. С. (2022). Корхоналар молиявий натижаларини бошқариш тизими ва уни ҳозирги ислохотлар шароитида такомиллаштиришнинг зарурлиги. *Архив научных исследований*, 2(1).
<http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1969>
2. Тулаев М. (2021). Разработка методики определения уровня существенности в аудите. *Экономика и инновационные технологии*, (5), 52–60.
https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12137
3. Tulaev, M. (2019). Методы определения чистой прибыли и гармонизации международных и национальных аспектов финансовой отчетности. *Архив научных исследований*, 1(1).
<https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/326>
4. Musakhonzoda Ikromjon Sobirhon Ugli. (2022). Formation and development of the convergence process of two types of standards: IFRS and US GAAP. *Thematics Journal of Business*, (5),
<http://thematicsjournals.in/index.php/tjbm/article/view/997>
5. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI)*.Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587- 4593.-
<https://www.tojqi.net/index.php /journal/article/view/4494>
6. Bakhtiyorovich, S. S. (2021). Use of Imitation Innovations in Small Business Development. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 889–898.
<https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/280>
7. Қличев, Б. П. (2022). Ишбилармонлик фаоллиги таҳлилини ташкил этиш йўналишлари. *Архив научных исследований*, 2(1).
<http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>

8. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. Indian Journal of Economics and Business. IMPACT OF TAXES ON THE BANK'S PROFIT Volume – 8; Issue - 3; Year – 2022; Page: 2553 – 2558 DOI: 10.22192/iajmr.2022.8.3.2 <http://www.ashwinanokha.com/IJEB.php>
9. Тулаев, М. С. (2019). Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма.
10. Қличев, Б. П. (2022). КРІ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Архив научных исследований*, 2(1). <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1761>
11. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. Vol. 30 Iss. 3 (2022) Page: 1284 – 1293 https://journals.kozminskicem-j.com/index.php/pl_cemj/article/view/1284.html
12. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ANALYSIS OF PRODUCT PRICING BASED ON PRODUCT PARAMETERS AND CUSTOMER CHOICE. *Journal of New Century Innovations*, 6(1), 67–79. <http://newjournal.org/index.php/new/article/view/996>
13. Urmanbekova, I. F. (2022). ELEKTR ENERGIYA KORXONALARIDA XARAJATLARNI BUXGALTERIYA HISOBI VA TAHLILI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(6), 889-892.
14. Klichev, B.P., Tulaev, M.S. (2021). Issues of development of the analysis of business activity in joint-stock companies of Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 11, November 2021, 584-591 <https://doi.org/10.5958/2249-7137.2021.02539.8>
15. Farkhodovna, U. I. (2020). Improving Accounting of Expenditures at Producing Electrical Power. *International Journal of Research in Social Sciences*, 10(3), 148-153.
16. Imomkulov Tulkin Burhonovich, (2020). The Impact Of Foreign Direct Investment On Economic Growth In Uzbekistan. *International Journal of Academic Accounting, Finance & Management Research(IJAAFMR)* ISSN: 2643-976X, Vol. 4 Issue 10, 152-157 <http://ijeais.org/wp-content/uploads/2020/10/IJAAFMR201019.pdf>
17. Қличев, Б. П. (2022). Маҳсулот сотиш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. *Science and Education*, 3(5), 1719-1728. <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/3641>
18. Bakhtiyorovich, S. S. (2021). Development of Small Business Activities with Imitation Innovations. *Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR)* ISSN, 2249(0892). http://www.ajtmr.com/papers/Vol11Issue1/Vol11Iss1_P7.pdf

19. Назарова Муслима Назаровна. (2022). НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ . Journal of New Century Innovations, 10(2), 48–54. <http://www.newjournal.org/index.php/new/article/view/985>
20. Назарова, М. (2022). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 23(4), 73–80. <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/566>
21. Ф.К.Бобохўжаева, (2022). Банкларнинг иқтисодий ривожланишида маркетингнинг ўзига хос муҳим жиҳатлари. EURASIAN JOURNAL OF LAW, FINANCE AND APPLIED SCIENCES, 2(13), 156–159. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7466722>
22. Фотима БОБОХЎЖАЕВА, (2021). Банк тизимида маркетингдан фойдаланишни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари. *Biznes-Эксперт*, 3 (159), 39-42.
23. Холдоров, С. (2022). МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ ВА ЖАҲОН МОЛИЯ БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШИШНИНГ ЗАМОНОВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1003>
24. Tolliboevich Absalamov, A., Odilovich Xudoyorov, O., & Umarovich Kholdorov, S. (2021). Important Aspects Related to Foreign Exchange Operations of Commercial Banks. In *The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems* (pp. 693-697). <https://dl.acm.org/doi/abs/10.1145/3508072.3508208>
25. Khudoyorov Oybek Odilovich (2020). Solution of problems on the development of banks' off-balance operations, *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research*, 2020, Systems (pp. 44-48). <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:sjbir&volume=9&issue=3&article=004>
26. O. Khudoyorov, N Ernazarov (2020). Operating banks operations with foreign options and futures of foreign banks: Foreign experiences and their features - *Journal of Critical Reviews*, <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=43264712>
27. Имомқулов, Т. Б. (2022). ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯВИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. *Journal of new century innovations*, 6(1), 57-66.
28. Shadibekova Dildor, Nosirova Nargiza, Bozorov Ilyos, Berdiyeva Uguloy, (2020). Prospective Development Analysis of Small Business and Entrepreneurship of Uzbekistan. *Test Engineering and Management*, Volume 83, 1733-1743

<http://www.testmagazine.biz/index.php/testmagazine/article/view/3815/3347>

29. Bozorov, I. S., & Haitov, A. B. (2019). Formation of effective system of the mechanism of financing of the small business in the Uzbekistan. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 06 (74), 207-210. <http://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.06.74.22>
30. Imomkulov, T. B. (2020). Financial Aspects of Selection of Investment Projects by Enterprises in Developing Market Conditions. *European Journal of Business and Management*, 12(5), 51-54. <https://core.ac.uk/download/pdf/304991376.pdf>
31. Имомкулов, Т., Латипова, Ш. М., & Ходжимамедов, А. А. (2018). ПРОБЛЕМЫ РЕФОРМИРОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИННОВАЦИОННО-ОРИЕНТИРОВАННЫХ ФЕРМЕРСКИХ ХОЗЯЙСТВ. Направления повышения стратегической конкурентоспособности аграрного сектора экономики (pp. 277-282). <https://elibrary.ru/item.asp?id=36364226>